

КОРХОНАЛАРДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ЁНДАШУВЛАР

Асрақулов А.

Фарғона давлат университети,
и.ф.ф.д., (PhD), доцент

Тошхўжаева М.

Фарғона давлат университети, талаба

Аннотация. Тадқиқот ишида корхоналарда жорий активлар иқтисодий таҳлилида қўлланиладиган услубиётларга ёндашувлар ўрганилиб, корхоналарда жорий активлар самарадорлигини баҳолашда улардан фойдаланиш имкониятлари баҳоланган.

Калит сўзлар: жорий активлар, таҳлил усуллари, жорий активлар таркиби, ликвидлиги, айланиши, рентабеллиги.

Аннотация. В исследовательской работе изучены подходы к методологиям, используемым при экономическом анализе оборотных средств на предприятиях, и оценены возможности их использования при оценке эффективности использования оборотных средств на предприятиях.

Ключевые слова: оборотные активы, методы анализа, состав оборотных активов, ликвидность, оборачиваемость, рентабельность.

Abstract. In the research work studied approaches to the methodologies use in the economic analysis of current assets in enterprises, and evaluated the possibilities of their use in the assessment of the effectiveness of current assets in enterprises.

Key words: current assets, methods of analysis, composition of current assets, liquidity, turnover, profitability.

Кириш. Бугунги тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобат кучайиб бораётган шароитида корхоналарни молиявий бошқариш, шу жумладан, жорий активларни бошқариш бўйича самарадорлик даражасини оширишга эҳтиёж борган сари ортиб бормоқда. Корхоналарни молиявий бошқаруви самарадорлиги кўп жиҳатдан улар томонидан жараёнларга киритилаётган молиявий ресурсларнинг манбалари ҳамда мавжуд ресурсларнинг корхона томонидан активларнинг таркибий қисмига оптимал жойлаштиришига боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Жорий активлар ва уларнинг ликвид элементлари иқтисодий таҳлилига ёндашувлар ушбу йўналишда қатор услубиётлар мавжудлиги ва бугунги кунда ушбу услубиёт ва концепциялардан кенг фойдаланилаётганлигини кўрсатади.

Муваффақиятли молиявий бошқарувга қаратилган замонавий хўжалик

юритувчи субъектлар жорий активларни самарали ва оқилона бошқаришга алоҳида эътибор беришлари керак, чунки корхонанинг умумий иқтисодий самарадорлиги унга боғлиқ [1].

А.Д.Шеремет молиявий ва бошқарув таҳлилини ажратишни бухгалтерия тизимининг бўлиниши билан боғлайди, бошқарув ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш орқали молиявий таҳлилни чуқурлаштириш имкониятини таъкидлайди, бундай таҳлилни тадқиқот ва баҳолашнинг тўлиқ тури сифатида тавсифлайди. Молиявий ва бошқарув таҳлили ўртасидаги боғлиқликларни асослашда А.Д.Шеремет томонидан ички молиявий таҳлилнинг асосий қисми ички ишлаб чиқариш таҳлили билан кесишиши асосланади [2].

Корхоналар томонидан жорий активлар ва уларнинг ликвид элементларини ўрганишда тадқиқот усуллари танлаш масаланинг ўзига хос хусусиятлари ва қўйилган вазифалар билан белгиланади. Вертикал (таркибий) ва горизонтал (динамик) таҳлил маълум бир вақт ичида жорий активларнинг ҳолати ва ҳаракатини баҳолаш учун ишлатилади. Жорий активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун коэффициентлар, қиёсий ва омилларни таҳлил қилиш усуллари кенг фойдаланилади [3].

Юқоридагилар билан бирга тадқиқот давомида жорий активлар самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ қатор ёндашувлар илмий адабиётлар ва манбалардан фойдаланган ҳолда ўрганиб чиқилди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида корхоналарда жорий активлар самарадорлигини баҳолашга ёндашувларнинг бугунги кунгача шаклланган моҳияти ҳамда ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилди. Тадқиқотни амалга оширишда илмий абстракция, индукция ва дедукция, қиёсий ҳамда тизимли таҳлил усуллари фойдаланилди.

Тадқиқот ва натижалар. Жорий активлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишга бағишланган тадқиқотларда таҳлилнинг кўплаб усуллари тасвирланган. Ушбу ёндашувлар ва концепцияларнинг мазмунини умумлаштирган ҳолда, уларни аниқ гуруҳларга ажратган ҳолда қиёсий таҳлилини жадвалда акс эттириш мақсадга мувофиқдир (жадвал).

Қўшилган иқтисодий қиймат корхонанинг соф фойдасини ифодалаб, соф фойданинг корхона фаолиятига киритилган барча капитал миқдorigа камайиши кўринишида аниқланади. Умуман олганда, корхона нафақат принципиал жиҳатдан фойдали бўлиши, балки муқобил вариантлардан максимал фойда олиши керак, деб тахмин қилинади. EVAни ҳисоблашда нафақат қарз маблағларидан, балки капиталдан ҳам фойдаланганлик учун фойда миқдоридан киритилган инвестициялар миқдори айириб ташланиши лозим.

Замонавий адабиётларда EVA корхонанинг бутун капитали (жорий ва асосий активлар) самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи сифатида қаралишини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотларда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун ушбу кўрсаткични ҳисоблаш таклиф этилади [7].

Жорий активларни таҳлил қилиш усуллариининг қиёсий таҳлили

Муаллиф	Таҳлилнинг кетма-кетлиги	Кўрсаткичлар тизими
И.В.Косорукова	1. Таҳлил жорий активларнинг мавжудлиги даражасини аниқлаш, шунингдек улардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблашдан бошланади. 2. Жорий активларнинг тежалиши (ортиқча сарфланиши) аниқлана-ди, шунингдек, режанинг бажарилиш даражаси, динамикаси ва маълум бир жорий актив сарфини таққослаш аниқланади. 3. Жорий активларнинг ишлатилиш даражаси аниқланади ва уларнинг айланиш тезлиги ҳисобланади	Биринчи босқич кўрсаткичлари: таъминланганлик коэффиценти; материал қайтими; материал сиғими; умумлаштирувчи кўрсаткичлар. Иккинчи босқич кўрсаткичлари: материал сиғими индекси; моддий ресурсларни тежаш. Учинчи босқич кўрсаткичлари: муайян материалнинг умумий сарфи; материалдан етарли даражада фйдаланмаслик коэффиценти; материалдан самарали фойдаланиш коэффиценти; жорий активларнинг айланиш коэффицентлари [4].
А.В.Мартиненко	1. Таҳлил жорий активларнинг таркибини ўрганишдан бошланади. 2. Жорий активларнинг ликвид-лиги таҳлил қилинади. 3. Жорий активларнинг айланиши таҳлил қилинади. 4. Жорий активларнинг рентабеллиги таҳлил қилинади. 5. Омилли таҳлил амалга оширилади.	Биринчи босқич кўрсаткичлари: жорий активлар ҳар бир элементининг ўзига хос вазни аниқланади. Иккинчи босқич кўрсаткичлари: ликвидлик коэффицентлари ҳисобланади. Учинчи босқич кўрсаткичлари: жорий активларнинг айланиш даражаси аниқланади. Тўртинчи босқич кўрсаткичлари: жорий активларнинг рентабеллиги, шунингдек унинг таркибий элементлари рентабеллиги аниқланади. Бешинчи босқич кўрсаткичлари: фойда ва ва жорий активлар микдоридаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда рентабеллик даражасидаги ўзгаришларни ўрганишга қаратилган омилли модель аниқланади [5].
Е.А.Сафронова	1. Жорий активларга бўлган эҳтиёж аниқланади. Бунинг учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш таклиф этилади: аналитик усул; тўғридан-тўғри счетлардан фойдаланиш усули; коэффицентлар усули. 2. Жорий активларнинг тузилиши ва динамикасини таҳлил қилиш, жорий активларни ликвидлик даражаси бўйича тақсимлаш. 3. Жорий активлар билан таъминланганлик ҳолати таҳлил қилинади. 4. Жорий активлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинади.	Биринчи босқич кўрсаткичлари: жорий активларга бўлган эҳтиёж; ишлаб чиқариш захираларига эҳтиёж; кутилаётган тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми; омбордаги тайёр маҳсулотларнинг кутилаётган қолдиқлари; зарурий пул маблағлари ва қимматли қоғозлар. Иккинчи босқич кўрсаткичлари: жорий активларнинг улуши ва таркиби; жорий активларнинг ликвидлик даражаси. Учинчи босқич кўрсаткичлари: захиралар меъёри; суғурта захиралари меъёри; технологик захира меъёри; мавсумий захира меъёри; харажатларнинг ортиш коэффиценти. Тўртинчи босқич кўрсаткичлари: жорий активлар бир марта айланишининг кунлардаги давомийлиги; айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи; айланма маблағларнинг айланиш даражаси; айланма маблағларнинг юкланиш даражаси [6].

Бундай ҳисоб-китобни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, асосий капиталга инвестициялар фойдасига таъсирни истисно қилиш керак. Бунинг учун ҳисоб-китобларда оддий фаолиятдан олинадиган фойда эмас, балки

фоизлар, солиқлар ва амортизация ажратмаларини чиқариб ташлашдан олдинги фойда (EBITDA)дан фойдаланиш таклиф этилади, сўнгра корхонанинг айланма маблағларига инвестиция қилинган капитал миқдорини аниқлаш керак.

EVA таҳлил бир қатор тахминларни назарда тутати: капитал биринчи навбатда узоқ муддатли активларни яратиш учун ишлатилади, жорий активлар унинг қолган қисми ҳисобига шаклланади; узоқ муддатли кредитлар тўлалигича узоқ муддатли активларни шакллантиришга сарфланади. Амалда, корхона узоқ муддатли кредитларни жалб қилиш орқали жорий активларга инвестицияларни молиялаштириши мумкин, аммо бу жуда кам ҳолатларда учрайди.

Ушбу ҳолат учун қуйидаги боғланиш мувофиқ ҳисобланади:

$$K_{jash} = M_{qm} + (H_k + (M_{um} - B_a))$$

Бу ерда: K_{jash} – айланма маблағларга йўналтирилган капитал қиймати; M_{qm} – қисқа муддатли активлар; H_k – мулк қийматидаги четланишларни ҳисобга олувчи хусусий капитал; M_{um} – узоқ муддатли мажбуриятлар; B_a – бошқа (айланма маблағлардан ташқари) активлар.

Агар узоқ муддатли активлар миқдори узоқ муддатли мажбуриятлар миқдоридан ошса, бу жорий активлар қисқа муддатли мажбуриятлар ва капиталнинг бир қисми ҳисобидан молиялаштирилганлигини англатади. Агар узоқ муддатли активлар миқдори узоқ муддатли мажбуриятлар миқдоридан кам бўлса, демак, ушбу мажбуриятларнинг бир қисми жорий активларни молиялаштириш манбаи бўлиб, узоқ муддатли активларни шакллантиришга йўналтирилмаган бўлади.

Айланма маблағларни шакллантиришга қаратилган капитал таркибини билган ҳолда унинг қийматини ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотларда EVАни ҳисоблаш учун капиталнинг ўртача тортилган қийматидан (WACC) фойдаланишни таклиф этилади, уни қуйидагича ҳисоблаш таклиф этилган [7]:

$$WACC = C_i \cdot D_i$$

Бу ерда: WACC – капиталнинг ўртача тортилган қиймати; C_i – солиқ таъсирини ҳисобга олган ҳолдаги маблағ манбаининг баҳоси, %; D_i – айланма маблағларни шакллантиришга қаратилган мажбуриятларнинг умумий ҳажмидаги манбанинг улуши.

Юқоридагини ҳисобга олган ҳолда жорий активлар (айланма маблағлар) учун EVA кўрсаткичини қуйидаги боғланиш асосида ҳисоблаш мумкин бўлади:

$$EVA = EBITDA - WACC \cdot TC$$

Бу ерда: TC (*turn capital*) – корхонанинг айланма маблағлари йиғиндиси.

Ҳисобланган EVA кўрсаткичи қийматидан келиб чиқиб, корхона бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин бўлади:

1. $EVA=0$ бўлганда. Корхона танланган йўналиш бўйича операцияларни давом эттириш ёки банк депозитларига маблағ киритиш орқали тенг равишда устунликка эга бўлади. Танланган соҳаларни ривожлантириш тўғрисида қарор маркетинг мақсадлари (бозор улушини сақлаб қолиш ёки уни тарк этиш, корхонанинг имиджи ва ўрнини сақлаб қолиш), шунингдек фаолиятнинг хавф

даражаси сифатида қабул қилиниши керак.

2. $EVA > 0$ бўлганда. Танланган фаолият соҳасига айланма маблағларни инвестиция қилиш самарали бўлади, корхонанинг бозор қиймати ортади, бу йўналишни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. $EVA < 0$ бўлганда. Корхонанинг бозор қиймати пасаяётган бўлади. Айланма маблағларга инвестиция қилинган капитал муқобил рентабелликни йўқотиши натижасида камаяди.

Шундай қилиб, EVA индикатори айланма маблағларни бошқариш натижасида олинган фойдани таҳлил қилиш методологиясининг мавжуд воситаларини нафақат нисбий қийматлардан (рентабеллик), балки мутлақ қийматлардан ҳам фойдаланган ҳолда тўлдиради.

Хулоса. Биз юқорида жорий активларнинг таркиби, динамикаси, фойдалилиги, самарадорлиги каби жиҳатларни аниқлаш борасидаги бугунги кунда кенг қўлланилаётган концепцияларни назарий жиҳатдан кўриб чиқдик. Бироқ ушбу концепцияларда жорий активларнинг турли жиҳатларини комплекс таҳлил қилиш ташкилий босқичларининг кетма-кетлигини таъминловчи алгоритмининг қулай мантикий изчиллигини таъминловчи шаклини тавсифловчи жиҳатларни етарли даражада мавжуд эканлигини тасдиқлай олмадик.

Тадқиқотчилар томонидан жорий активларнинг ҳолати, улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда жорий активлар ликвид элементларининг таркибий тузилиши борасидаги тадқиқотларда ушбу масалаларни ўрганишда кенг қўлланиладиган усулларга асосий эътибор қаратилган бўлса-да, уларнинг иқтисодий таҳлиliga технологик ёндашув етарли эмаслиги кўринади. Тадқиқот жараёнида Г.В.Савицкая [8] ва В.В.Ковалёвлар томонидан баён этилган универсал услубий ёндашувлардан келиб чиқиб, мавжуд методологияни унинг фаолият хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда корхоналарнинг жорий активларини ҳар томонлама босқичма-босқич таҳлил қилишни жорий этиш билан тўлдиришни таклиф қилинади.

Тадқиқот жараёнида биз томонимиздан бугунги кунда корхоналар жорий активлари ликвид элементлари иқтисодий таҳлили борасидаги мавжуд бўлган концепциялар назарий ҳамда аниқ объект мисолида таҳлил қилиниб, ушбу концепцияларни хусусий ҳолатларда алоҳида-алоҳида қўллаш мумкинлиги ҳамда жорий активларнинг комплекс таҳлилида кўриб ўтилган услубиётларнинг барчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги бўйича хулосага келинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Блажевич О.Г., Мрищук В.Д. Сущность оборотных активов и повышение эффективности их использования на предприятии // Научный вестник: финансы, банки, инвестиции. 2016. № 1. С. 27–35.

2. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. — М.: ИНФРА-М, 2011. — 98 с.

3. Дацко Е.П., Гнилицкая Л.В. Место аналитического обеспечения управления оборотными активами в общей системе управления предприятием // Актуальные вопросы современной науки. 2013. № 28. С. 224–232.

4. Экономический анализ: учебник для бакалавриата и магистратуры / Косорукова И.В., Мощенко О.В., Усанов А.Ю. –М.: Университет «Синергия», 2021. –С. 187.

5. Мартыненко А. В. Анализ и эффективное использование оборотных средств // Молодой ученый. 2020. № 16. –С. 264.

6. Сафронова Е.А. Особенности анализа оборотных активов торгового предприятия // Материалы VII Междунар. науч.-практ. конф. «Научное и образовательное пространство: перспективы развития». Чебоксары, 15 янв. 2018 г. Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2018. –С. 277.

7. Д.В.Тойкер. Развитие методики анализа оборотных средств промышленного предприятия. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. –М.: ГОУ ВПО, 2009. –С. 22.